

2012 йил учун
“UNICON.UZ” ДУК иш натижалари бўйича
ахборот

1. ЎзАААнинг 2012 йил 6 мартдаги 70-сон буйруғи билан тасдиқланган 2012 йил учун алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш режасига мувофиқ, “UNICON.UZ” ДУКга 65 та норматив ҳужжат (шу жумладан, олдинги йиллардан ўтган 25 та НХ) ишлаб чиқиш топширилган, буюртмачилар этиб ДАИ, “Ўзбектелеком” АК ва ЭМММ ДУК белгиланган.

2012 йил давомида техник топшириқлар, норматив ҳужжатлар биринчи ва охириги тахрирларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш, шунингдек олдинги йиллар режасидан ўтадиган НХни охиригача етказиш бўйича ишлар бажарилди.

2. ЎзАААнинг 2012 йил 22 февралдаги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш режалари бўйича “UNICON.UZ” ДУКда 5 та мавзу бўйича ИТИ ўтказиш ва 1 мавзу бўйича ўқув қўлланмани ишлаб чиқиш, 2011 йил 28 январдаги 32-сон буйруғи бўйича – 2011 йилдан ўтадиган 6 та мавзу бўйича ИТИ ўтказиш ва 3 мавзу бўйича ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Техник топшириқларда кўзда тутилган барча ҳисобот материаллари тақдим этилган.

3. 2012 йил давомида телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш органи томонидан қуйидаги ҳажмда ишлар бажарилган:

декларация-талабномалар берилиш – 241 та;

мувофиқлик сертификатлари бериш – 234 та;

сертификатлаштириш ишларини ўтказиш учун 101 та шартнома ва 31 та контрактлар тузилди.

4. Асос метрологик хизмати томонидан 2012 йил 9 ойлиги давомида қуйидаги ишлар бажарилди:

- соҳа корхоналарининг метрологик хизматлар ишларининг режалари тўпланиши ва таҳлил қилинди;

- метрологик таъминот масалалари бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг 98 та ташкилотларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатилди;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарида фойдаланиладиган ЎВ маълумотлар базасини юритиш бўйича ишлар ўтказилди;

- metrolog.asi.uz ахборот-маълумот тизимининг маълумотлар базаси янгиланди;

- “Рақамли алоқа тармоқларининг бутунлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг самарали механизми сифатида ўлчашлар бирлиги” мавзусидаги метрология хизматларининг бош метрологлари ва мутахассислари 20-конференциясида иштирок этилди (Россия Федерацияси, Москва ш.).

- ҳисобот даврида метрологик аттестация ҳақида 18 та сертификат соҳа реестрига киритилди.

5. 2012 йил давомида СТТ томонидан қуйидаги ишлар бажарилди:

- норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, стандартлаштириш ва норматив ҳужжатларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни тайёрлаш бўйича ишлар

режалари ва ҳисоботларини тузишда корхона ва ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатилди;

- ахборот-маълумот фондига 42 та норматив ҳужжат ва 10 та ИТИ бўйича ҳисоботлар келиб тушди;

- вақтинча фойдаланиш учун 363 та норматив ҳужжат берилди;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган 76 та норматив ҳужжатнинг текшируви ўтказилди;

- 10725 варақ миқдорида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқиладиган норматив ҳужжатларнинг норма назорати ўтказилди;

- НХМБ АТга 2 классификатор, 3 луғат, 20 та норматив ҳужжат киритилди, уларга характеристикалар тайёрланди ва киритилди;

- ЎзААнинг 2011 йил 4 февралдаги 43-сон буйруғига мувофиқ тармоқ тариф-малака маълумотномаси ишлаб чиқилди;

- ЎЗР амалдаги техник шартлари, ЎЗР амалдаги стандартлари ва раҳбарий ҳужжатлари, амалдаги давлатларaro стандартларнинг кўрсаткичлари сотиб олинди.

6. 2012 йил давомида ЭММТХ томонидан қуйидаги ишлар бажарилди:

- ХЭИ Р дан келиб тушган ҳужжатлар лойиҳаси таҳлил қилинди ва ишлаб чиқилган малумотлар ва таклифлар РЧДК ИҚга тақдим этилди, Шу жумладан:

- 43 та янги Тавсиялар лойиҳаси;

- 76 та қайта кўриб чиқилган Тавсиялар лойиҳаси;

- 6 та янги Саволлар лойиҳаси;

- 31 та қайта кўриб чиқилган Саволлар лойиҳаси;

- 26 та рўйхатдан ўчириш учун таклиф қилинган Саволлар таҳлили.

- ЭММТХ ходимлари ХЭИ-Р 2012 йилги Радиоалоқа ассамблеяси ва Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси ишида, йўлдошли алоқага доир актуал саволларини ўрганиш бўйича экспертлар гуруҳи, ХЭИ РА-12 ва БРК-12 яқунлари бўйича РА-12/БРК-12 ишчи гуруҳи, РА-15 ва БРК-15 га тайёргарлик бўйича ишчи гуруҳларининг йиғилишларида иштирок этишди;

- Ўзбекистон Республикаси Частоталар тақсимланиши жадвалини БРК-12 дастлабки якуний қарорларига мувофиқлаштириш ишлари олиб борилмоқда;

- “Ўзбекистон Республикаси радиочастота спектридан фойдаланиш Концепцияси” ишлаб чиқилди ва РЧДК йиғилишида маъқулланди;

- DVB-T2 тизимининг характеристикалари ва DVB-T2 тизимига ўтишда бошқа давлатларнинг тажрибаси таҳлил қилинди;

- Spectra дастурий комплексидан фойдаланилган ҳолда, РЧДКнинг частоталар тақсимланиши бўйича маълумотлар базасини ўзгартириш ишларида, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Частоталарни тақсимлаш жадвалини РЧДК веб сайтига жойлаштириш ишларида иштирок этилмоқда;

- АР-12/ВКР-12 Ишчи гуруҳи йиғилишида, радиочастота спектри ва йўлдошли орбиталардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича АСМХ Комиссияси йиғилишида, АР-15/ВКР-15 Ишчи гуруҳи йиғилишида (Москва ш., Россия Федерацияси) иштирок этилди.

7. Ҳисобот даврида АОДКХ ходимлари томонидан алоқа субъектлари ва объектларининг вакиллари билан маслаҳат иши ўтказилди.

Бир қатор соҳа корхоналарига консултацион ёрдам кўрсатилди;

ГАТ тизими ва ДКЯТга ўтказиш учун маълуматларни тайёрлаш модулини такомиллаштириш бўйича ишлар ўтказилди;

“Алоқа объектлар ва семантик тавсифлари таснифлангичи”ни ишлаб чиқиш учун методик ва норматив материалларни йиғиш, ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилди;

“Ўзбектелеком” АК “ElCade” дастурий таъминотини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилди;

Инновацион лойиҳалар ва ғоялар республика ярмаркасида иштирок этилди.

8. Ҳисобот давр давомида Атамашунослик ва луғатлар хизмати томонидан ишлаб чиқилган 3 та атамашунослик луғати амалга киритилди ва 3 та изоҳли луғати якуний таҳрир қилиш ишлари бажариляпти.

9. 2012 йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 725 та лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизаси бўйича ишлар ўтказилди.

10. 2012 йил давомида “UNICON.UZ” ДУК қошидаги Электрон рақамли имзолар маркази фаолиятини амалга ошириш юзасидан:

- RSA стандарти асосида 2 270 та;

- O’zDSt стандарти асосида 4 301 та;

ЭРИ калит ва сертификатлари берилди. 2012 йил 9 ойлиги учун берилган ЭРИ калитларининг умумий миқдори 6 571 тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майдаги «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 126-сон қарорининг ижросини таъминлаш борасида қўшимча рўйхат бўйича 20 давлат органлари ягона ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиш тизимларига улаш ишлари олиб борилди. Қолган давлат органларини ягона ҳимояланган тизимларга улаш ишлари олиб борилмоқда.

11. Агентликнинг 2011 йил 12 июлдаги 210-сон буйруғига асосан “Ўзбекистонда электрон рақамли имзо инфратузилмасини янада ривожлантириш” лойиҳаси доирасида ишлар олиб борилди, жумладан қуйидаги норматив ҳужжатлар учун техник талаблар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди:

1. Ишончли учинчи томон хизматини рўйхатга олиш ва унинг фаолияти ҳақидаги низом.

2. Ахборот технологиялари. Ишончли учинчи томон вазифаларига талаблар.

3. Ахборот технологиялари. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлиги бошқарув системаларини унумлилигини ўлчаш.

4. Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказларидаги махфий ахборотларни ҳимоялаш ҳақидаги низом.

Давлат органларида электрон ҳужжат алмашинуви ягона ҳимояланган тизимини яратиш ва жорий этиш лойиҳаси доирасида ИУТ республика хизматининг вақт штампи хизмати ва маълумотларни тасдиқлаш хизматини ўз ичига олган якуний версияси ишлаб чиқилди. Мазкур тизим "UNICON.UZ" ДУК платформасида миллий стандартдаги ЭРИ калити сертификатларини қўллаган ҳолда ўрнатилди ва тестдан ўтказилди. Ҳозирги вақтда ИУТ тизими тест режимида ишламоқда. ИУТ тизимини бошқа ахборот тизимлари билан боғлашни таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

ЎзАААнинг 2012 йил 2 майдаги 99-Ф фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, ИМТБ ходимлари томонидан Жиззах вилояти Арнасой тумани,

Самарқанд вилояти Қўшработ тумани, Қорақалпоғистон Республикаси Худжайли тумани, Хоразм вилояти Урганч тумани, Андижон вилояти Қўрғонтепа, Фарғона вилояти Фарғона тумани, Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ҳокимликларида Е-Нужат – электрон ҳужжатлар айланиш тизими, Е-Хат – ҳимояланган электрон почта ва S-Files – ҳимояланган маълумотларни сақлаш тизимлари жорий этилди.

Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта тизими янги 4 версияси ишлаб чиқилди. Дастурдаги мавжуд функциялари такомиллаштирилди, янги функциялар яратилди ва Е-ХАТ v. 4.0. тизими фойдаланувчилари учун янги қисқа почта манзиллари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги № 155–сон қарорининг бажарилиш доирасида Е-Нужат ЭХАТга – 38 та ташкилотдан 340 фойдаланувчилар, Е-Хат ХЭПТга – 49 та ташкилотдан 298 фойдаланувчилар уланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сон қарорига мувофиқ Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари учун миллий ахборот тизими доирасида янгидан ишлаб чиқиладиган ёки сотиб олинаётган ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан экспертизадан ўтказилиши белгиланган.

ЎзАААнинг 2012 йил 24 апрелдаги 132-сон буйруғига мувофиқ «UNICON.UZ» ДУКда Дастурий таъминотларни экспертизадан ўтказиш бўлими ташкил этилди.

«UNICON.UZ» ДУК томонидан Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг (ISO) дастурий маҳсулотларнинг сифатига қўйиладиган талаблар, ҳамда уларни баҳолаш бўйича учта стандартлар инглиз тилидан таржима қилиниб, Ўзбекистон Республикасида қўллаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Булар:

- O'z DSt ISO/IEC 14598-5:2012 Информационная технология. Оценка программного продукта. Часть 5: Процесс для оценщика.

- O'z DSt ISO/IEC 25040:2012 Разработка программного обеспечения и систем. Требования к качеству и оценка программного обеспечения и систем (SQuaRE). Процесс оценки.

- O'z DSt ISO/IEC 25001:2012 Разработка программного обеспечения. Требования к качеству и оценка программного продукта (SQuaRE). Планирование и управление.

ЎзАААнинг 2012 йил 10 сентябрдаги 274-сон буйруғига асосан RH 45-247:201 «Дастурий маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби» раҳбарий ҳужжат ишлаб чиқилди ва ҳозирда «Ўзстандарт» агентлигига регистрация учун топширилди.

Бундан ташқари «UNICON.UZ» ДУК нинг 2012 йил норматив ҳужжатлар ишлаб чиқариш режасига асосан дастурий таъминот маҳсулотларининг сифатига қўйиладиган талаблар бўйича давлат стандартлари ишлаб чиқилмоқда:

- ISO/IEC TR 9126-2 Программирование. Качество продукта. Внешние метрики;

- ISO/IEC TR 9126-3 Программирование. Качество продукта. Внутренние метрики;

- ISO/IEC TR 9126-4 Программирование. Качество продукта. Метрики качества при использовании.

Дастурий таъминот маҳсулотларини сертификатлаш бўйича кадрларни тайёрлаш мақсадида Марказнинг тўрт нафар мутахассислари Хиндистондаги «GTEN Technologies» ўқув марказининг базасида малакалари оширилди.

Шунингдек, дастурий таъминот маҳсулотларини синовдан ўтказиш учун синов асбоблари зарур бўлганлигини инобатга олиб, «hp» компаниясининг «HP Unified Functional Testing 11» русумли синов асбоби харид қилинди.

12.2012 йилда “Huawei Tech. Investment Co., Ltd.” компанияси, “ZTE” корпорацияси ва “Iskratel Telekomunikacijski sistemi, d.o.o., Kranj” фирмаси билан сертификатлаштирилган ТҚТТ техник воситаларини инспекция назоратидан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

13.2012 йил давомида “UNICON.UZ” ДУК ходимларининг малакасини ошириш дастурини амалга ошириш ишлари бажарилди.

Ҳисобот даврида Марказнинг ўқув марказларида тижорат асосида 16 та, бевосита корxonанинг ўзида малака ошириш семинарлари асосида 103 та ходим ўз малакаларини оширдилар.

Ходимлар таркибини малакали ходимлар билан тўлдириш мақсадида “UNICON.UZ” ДУК ТАТУ ва бошқа олий ўқув юртлари билан фаол ҳамкорлик қилади. Ҳозирги вақтда 7 та талаба ТАТУда, 2 та талаба Сингапур менежментни ривожлантириш институтида, 11 та талаба Россия Федерацияси Санкт-Петербург шаҳрида проф. М.А. Бонч-Бруевич номидаги Давлат университетида “UNICON.UZ” ДУК ҳисобидан ўқимокдалар.

